



МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

*Қорақалпоғистонда эски қўлёзма ва китобларни йиғиш тарихи
("Чимбой коллекцияси" ҳақида)*

Қарлибаев М.А.

*Тарих фанлари доктори, ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар
илмий тадқиқот институти*

Таянч сўзлар: қўлёзма, арабографик манбаълар, Қорақалпоғистон, Чимбой коллекцияси.

Ключевые слова: рукопись, арабографические источники, Каракалпакстан, Чимбайская коллекция.

Key words: manuscript, Arabic script sources, Karakalpakstan, Chimbay collection.

РЕЗЮМЕ:

Ўтган асрнинг 60-70 йиллари Қорақалпоғистонда эски араб имлосида битилган ёзма меросни йиғиш ва ўрганиш ишлари олиб борилди. Мафқуравий тазйиқ сабаб, бу ишлар тўхта-тилди. 1994-йилдан бошлаб яна қўлга олинган бу ишлар натижасида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими кутубхонасига катта қўлёзмалар фонди тўпланди. Улар орасида «Чимбой коллекцияси» алоҳида аҳамият касб этади. Коллекциянинг тўпла-ниш тарихи қизиқиш ўйғотади. Коллекция орасида тарихий, адабий ва бошқа манбалар уч-райди.

РЕЗЮМЕ:

В 60-70-е годы прошлого века в Каракалпакстане проводились работы по сбору и изучению письменного наследия, написанного старой арабской графикой. Эти работы были оставлены из-за идеологического давления. С 1994 года эти работы возобновляются, в результате в библиотеке Каракалпакского отделения Академии наук Узбекистана собрана большая коллекция рукописей и книг. Среди них особое значение имеет «Чимбайская коллекция». История коллекции представляет большой интерес. Коллекция включает в себя исторические, литературные и другие источники.

SUMMARY:

In the 60-70s of the 20th century, in Karakalpakstan work on collecting and studying the written heritage written in old Arabic script was carried out. This work was stopped due to ideological pressure. Since 1994, this work has been resumed, as a result of which a large collection of manuscripts and books has been collected in the library of the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of Uzbekistan. Among them, the "Chimbay Collection" is of particular importance. The history of the collection is of great interest. The collection includes historical, literary and other sources.

Мавзунинг долзарблиги: Қорақалпоғистон халқлари, шу жумладан қорақалпоқ халқи тарихи учун араб имлосида ёзилган ёзма манбаълар жуда катта аҳамиятга эга, негаки совет давригача бўлган тарих асосан рус ёзма манбаълари ва оғзаки тарих материаллари асосида ёзилиб келинди. Араб имлосидаги манбаларни ўрганган манбашунос, яъни шарқшунослар Қорақалпоғистонда шу кунгача ривожланмай келаётган соҳалигича қолиб келмоқда.

Мавзуга доир қилинган ишлар: 1960-70-йилларда тарихчи олим Собир Камаловнинг бошчилигида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалига араб имлосидаги ёдгорликлар тўплана бошлади. Мақсад – Қорақалпоғистонда манбашуносликни ривожлантириш ва Қорақалпоғистон тарихи бўйича араб имлосида битилган ёзма манбаларни илмий муомалага киритишдан иборат эди. Халқ орасида сақланган ёзма маданият асарлари йиғила бошлади. Илмий фондларда сақланаётган тарихий асарлар, жумладан Хива хонлари тарихчилари Мунис ва Огаҳийларнинг тарихий асарлари қорақалпоқ тилига таржима қилина бошлади. Бунинг учун араб ва форс тилларини ўрганган мутахассис жалб қилинди, у ҳам бўлса диний таълимга эга бўлган, Тошкент диний олий таълим муассаса битирувчиси Кеулимжай оға Жамалов бўлди. Дастлабки натижалар кўрина бошлаган пайтда бу ишлар партия ходимларининг аралашуви туфайли тўхтатилди. Сабаб – араб имлосидаги қўлёзмалар ва китоблар ўрганила бошлади, устига-устак бу ишларга диний таълимга эга инсоннинг давлат илмий муассасига жалб қилинганлиги бўлди. Бу ишларнинг бошида эса келиб чиқиши диндор оиладан бўлган Собир Камаловнинг турганлиги бўлди. К.Жамаловга қўйилган талабдан (диндан бездим деб эълон қилиш) воз кечганлиги боис ишдан бўшатилади. Оқибатида Қорақалпоғистонда шарқшуносликни ривожлантиришга уриниш тўхтатилди...

Динга ва диний меросга деган атестик мафкурага, яъни коммунистик мафкурага зид дея тушунтирилган кампания сабаб совет ҳокимияти йилларида араб ёзма меросининг улкан қатлами йўқ қилинди. Халқ орасида уларни сақлаб келаётганлар қувғинга учрай бошлади, одамларда кўркинч уйғонди, натижада минглаб эски араб имлосида битилган қўлёзма ва китобларни одамлар қабристонларга олиб бориб яширишди, анчасини ерга кўмишди, қанчасини янги (совет) ҳукумати ёқиб юборган. Бу тўғрисида кўплаб дала тадқиқотлари пайтидаги суҳбатларимиз маълумот беради.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёзма манбаларни, айниқса, араб манбаларини излаш муаммоси Қорақалпоғистон тарихчиларининг кун тартибидан жой олди. 1990-йилларнинг бошларида шарқий манбаларни тў-



плаш учун археологик экспедициялар ўтказилди. ЎЗРФАҚҚБ фонди хусусий мулкдорларнинг хайрия маблағлари ҳисобидан ҳам тўлдирилди. Музей фондларида ҳархил даврларда йиғиб сақланган қўлёзма ва китоблар ўрганила бошлади. Бердақ номидаги давлат адабиёт музейига ҳам шу каби коллекция тўплана бошлади. Бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг ноёб фондларида бир неча минг нусхадаги қўлёзма, литографик ва типографик китоб мероси сақланмоқда. Бу фондлар сотиб олиш билан бир қаторда, ҳадялар эвазига ҳам бойиб келмоқда.

1994 йилдан бошлаб республика бўйлаб, ундан ташқарида сақланаётган ёзма меросни йиғиш, улар ҳақида маълумот тўплаш ва шахсий коллекцияларни қайд этиш бўйича археографик экспедициялар ташкиллаштирилиб, ишлар олиб борилди. Қайд этилган ва тўпланган ёзма меросни ўрганиш ишлари бошланди.

Хусусий ва давлат коллекцияларидаги ёзма меросни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- мактаб ва мадрасаларнинг ўқув дастурларига киритилган китоблар (қўлёзма ва босма);
- Адабий асарлар (таълим дастурларига киритилганлар бундан мустасно);
- Ижтимоий ва кундалик ҳаётнинг турли масалалари (ахлоқ, тиббиёт ва бошқалар) бўйича ноёб нашрлар.

Уларнинг энг катта гуруҳини ислом ҳуқуқи масалалари, шунингдек, араб тили (грамматика, лексикография, риторика) ёритувчи китоблар ташкил этади.

Адабий асарлар ҳам кўпчиликни ташкил этади: Жомий, Машраб, Бедил асарлари, шунингдек, Яссавий ва Ҳаким ота ҳикматлари, шеър ва дostonларнинг ёзма вариантлари махсус китобхонлар – қиссахонлар томонидан севиб ўқилган.

Шунингдек, бизгача сақланиб қолган қўлёзма ёдгорликларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, маҳаллий ёзма шажара ёзиш анъанаси (силсила ва бошқалар) мавжуд бўлган.

Халқ орасида юритган археографик экспедициялар пайтида йирик ёзма маданият коллекцияларига дуч келдик. Жумладан, Қонлиқўл, Амударё, Қораўзак туманлари, Чимбой шаҳридаги коллекцияларни қайд қилдик. Энг йирик шахсий тўпламлардан бири ўз даврининг таниқли маданият арбоби Чимбойлик У.Раҳматуллаев тўлаган «Чимбой коллекция»си ҳисобланади. Коллекцияни Узоқ ака Раҳматуллаев ҳаёти мобайнида республика бўйлаб эшитган ва кўрган эски китоб ва қўлёзмаларни ўз уйига йиққан, республи-

канинг деярли барча худудларини кезиб, мазорлар ва ташландиқ уйлардан китоблар тўплаган. Бу ҳаракат мафкуравий конъюктурани ҳисобга олгансак мардлик иш саналади. Узоқ ака коллекцияни уйида сақлади, бегона қўзлардан яширди, сақлаш шароитлари турлича бўлган. Айримларини Чимбой шаҳрида ўз ташаббуси билан ташкиллаштирилган Қ.Ауезов номидаги музейга кўргазмага қўйган.

Мазкур коллекцияни 1994 йилги академик С.Камалов бошчилигида уюштирилган, тарих фанлари номзоди Х.Есбергенов, И.Новицкий, ушбу мақола муаллифи, ёш талаба М.Якупов ва б. иштирокидаги дастлабки экспедициямиз пайтида қайд қилган эдик. 2004-йилда ушбу коллекцияни ўзимиз ҳисобидан сотиб олиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Тарих, археология ва этнография институти Манбашунослик ва тарихнавислик бўлими фондига топширдик. 1994-йилда тузилган дастлабки рўйхатимиз кейинчалик арабшунос А.Идрисов томонидан мукамаллаштирилди.

Тадқиқот натижаларидан. «Чимбой коллекция»си алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг эътиборимизни маҳаллий шоирларнинг муаллифлиги ва мазмуни чуқурроқ ойдинлаштиришни талаб қиладиган шеърӣ асарлар тортди (Бердақнинг «Қалан уста», «Тўлқинли ғавғолар» – пьеса-сининг қорақалпоқча қўлёзмаси, 1930-йиллар), Махмудийнинг «Гулшани асрор» асари, «Баҳрам ва Гуландан» поэмаси, «Исмойил қиссаси», «Али қиссаси», «Юсуфбек ва Аҳмадбек», қозоқ ва нўғайнинг оғзаки мусобақаси, туркий халқларнинг шажараси, “Ғариб ошиқ”, “Хурлиқа ҳамро”, шоир Хожиниёзнинг “Керакти” шеърлари ва бошқа кўплаб шеърӣ асарлар).

Аксарият ҳолларда бу қўлёзмалар тўлиқ бўлмаган, парча-парча бўлиб, боши ва охири йўқ. Асарларнинг аксарияти XIX – XX аср бошларига тегишли. Йиғилган материаллар халқнинг ижтимоий тузум, этник-маданий жараёнларни (масалан, турли хил қозилик ҳужжатлари) тавсифлайди.

Биз учун қизиқ асарлардан Матниёз Уразимбетовнинг “Чимбой тарихи” асари .

«Чимбой тарихи» асари «Бисмиллаҳи раҳмани раҳим / Уразимбет мирзо ўғли Матнияз / Муҳаммад Нийаз Руз Муҳаммад / томонидан айтилган ҳикоя / Чимбой шаҳрида бўлган / айрим аҳволлар ҳақида...» деб бошланади. Ўзи тўғрисида у ҳикоянинг бошида Чимбойнинг шарқий томонида «Тоғёб» бўйида боғчилик ва деҳқончиликни яхши кўрадиган оилада 1905 йили йилки йили бўғдой пишиқда чоршанба кuni тўғилганлигини айтади. Чимбой тарихи тўғрисида ёзишга сабаб булган омил сифатида айрим «утиришмаларда» бу тўғрисида базида нотўғри, баъзида хато маълумотлар ай-



тилиб келаётганлигини келтиради. Ёзганларнинг кўписи муаллиф ўз кўзи билан кўрганлар, ёки кўрмаган жойларини ёши катта «фаросатли ўтган қариялардан эшитган». Шулардан Исмоил тўра, Мулла Раҳманберган девон, Асен дилмаш каби инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлганлиги ва уларга хизмат қилганлигини ёзади.

Асарда қизиқарли тарихий, этнографик ва бошқа қиммат маълумотлар берилади. Шулардан муаллифнинг «қорақалфокни уч оталиқ» эгаллаганлиги тўғрисидаги маълумоти алоҳида диққат-эътиборни тортади, негаки Қорақалпоғистон тарихнавислигида муаллиф сўз қилаётган даврда, яъни XIX аср иккинчи ярмида қорақалпоқларни 2 оталиқ бошқарганлиги айтилиб келади.

Муаллифнинг араб имлосини яхши билганлиги, унинг вақтида саводли инсон бўлганлигидан далолат беради. Шу билан қатор муаллифнинг лексиконида «пиадализм давринда» каби совет даври сўзлари ва иборалар учрайди. «Мадамин хон замонасида Русия потшоси бойлари билан савдо дугувур дузулуб болғаннан кейин пиадализм қуруни бошлаб капитализм давам ете баслаган». Матнда халқ оғзидаги фольклорлик тарихий «воқеалар» ҳам сўз этилади. Масалан, «урус капиталистлери хан менен сауда дугубурини дузуларда сауал қилғанлар – мен Амударьянинг сувини» сотиб оламан, сотинг деган. Шунда маҳаллий аҳоли уйлаб қолиб, не жавоб беришни билмасдан, «Хатебли хўжа Бойхўжани алдуруб, ойлашуб, жаўабин Бойхўжа айтқан еди» сув олиб келинг, Батмани бир пул. Тарози қурамыз, ўлчаб олаверасиз – дебди. Шунда уруслар «Хивага хонликга мана бу киши лойиқ экан, сен бекор хон булиб утирғансан» - деб Мадамин хонга айтган» экан – деган «халқона тарихий» воқеалар келтирилади.

Муаллифнинг айтишича аввал Тўк қалъаси аҳамиятга молик шаҳар бўлиб, уни сув босганнан сунг Хўжайли шаҳри йирик савдо марказига айланган. Хўжайли шаҳри ҳаттоки унг соҳил Чимбой атрофи аҳолиси учун ҳам муҳим савдо маркази бўлган.

Чимбой атрофида Кўкчи қалъа, Оёқ ховли, Янги бозор овуллари орасида майда савдо жойлари бўлган.

Чимбойда Кегейли канали бўйида чойпуруш хона бўлган. Чимбой бий ва бойлари йиғилишиб, Кегейли бўйида (соҳилида) масжид куриб, Исмоил тўра хонга бориб ҳайт намоз, жумъа намоз «ўқитишга рухсат олиб келган «Сизнинг номингизга Чимбойда масжидил солдик» деб масжид «Хон масжиди» деб номланган, имоми Ержон муптий деган киши бўлган». .. Чимбай қаласи кем кем катталашиб, савдогарлар кўпая бошлади. Чопон, кўрпа, оқ пушта, қизил экме этиклар, баққоллар, қутили навог, афғони кўк чой, тама-

ки ва бошқа нарсалар Хивадан кемалар билан келувчи эди. Айдарли кемалар 30 оламгача сиғдирадиган кемаларни тортар. Чимбойнинг 12 масжид қавми (махалла) бирлашиб, ҳафтада икки бозор – чоршанба ва якшанба кунлари бозор қилган Сунги даврда «Наримонов» кўчаси эски даврда «қоронғи кўча» деб номланиб, бозорнинг энг гавжум жойларидан бўлган. Қоронғи бўлиши сабаби, бинолар баланд бўлиб, кўчаларга соябонлар тортилганликдан сояли, яъни қоронғи кўча ном олган. Бу ерда куну-тун савдо юрган. Ҳар кўчада меҳмонхоналар бўлган. У ерларда мазали паловлар тортилиб, дуторларда мусиқа чалиниб турган. Қалада 40дан ошиқ жувозхона, 50дан ошиқ гўшт расталари, уларни «мўше бозор» деб аталган, 27 та нон дукони, бошқа жойларда саватларда қора зира сепиб мазали нонлар сотилган, нақшинкор этиб, мойли ширмой-чўрақлар ёпилган. 50 дан зиёд буёқчилар – кўкчилар бўлган. 150 атрофида ҳар четдан келтирилган газлама сотадиган базозлар бозори бўлган. Русидан, Англиядан чой, қанд, тамаки ва бошқа нарсалар олиб келадиган баққоллар бўлган. 100дан ошиқ ерда кийим кенчак – ипак чопонлар, бошқа турдаги чопонлар сотилган. Алоҳида пойабзал бозори бўлиб, этиклар кўча буйлаб уйларнинг деворларига илиб қуйилган булар, шулар ичида «ўзбаки», «қозоқи» этиклар ва махсилар бўлган.

Хулоса ўрнига. Умуман олганда «Чимбой тарихи» асарида шунга ухшаган ўтган давр тарихига, халқ маданиятига оид жуда кўп бой маълумотлар учрайди. Халқ орасида нафақат эски даврларда яратилган тарихий асарлар, биз сўз этган, яқин ўтмишда араб имлосида битилган биз билмаган тарихий-этнографик асарлар сероб учрайди.

Хусусий коллекцияларни ўрганиш, уларнинг илмий каталогини яратиш бугунги Қорақалпоғистон илм-фанининг гуманитар соҳаси учун муҳим тадбирлардан деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Muminov A., Szuppe M., Idrisov A., Ziyodov Sh. Manuscripts en écriture arabe du Musée régional de Nukus. Roma. 2007. P. 282
2. Карлыбаев М. 1993 йил № 22 дала ёзувлари. Информатор Тореш Алланазаров. Нукус ш., Қорақалпоғистон Республикаси.
3. Карлыбаев М. 2009 й. № 1 дала ёзувлари. Информатор – Полат Бегимов. Нукус ш., Қорақалпоғистон Республикаси.
4. Отчет о научно-исследовательской работе по проекту «Подготовка к изданию каталога Фонда восточных рукописей и литографий Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан» (заключительный). Нукус. 2011 / Текущий архив Каракалпакского научно-исследовательского института гуманитарных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. С. 41
5. Уразымбетов М. Шымбай тарийхы // Қўлёзма ЎзРФА ҚҚБ асосий кутубхонаси қўлёзмалар фонди. Инв.№ Р-69/1.